

Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи “Электроэнергетика” йўналиши битирувчилари “ҚСХЭваА” факультетига тегишли кафедра лаборатория хоналарини экскурсия қилишди.

ҚСХЭваА факультети декани А. Гаппаров, ТЖИЧ ва АБ кафедраси ассистенти Э. Бозоров, ЭваЭЖФ кафедраси доценти У. Холиқназаровлар ташаббуси билан. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида таҳсил олиш истагидаги Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи “Электроэнергетика” йўналиши 3-курс 10-Эл-15 гуруҳи талабалари, гуруҳ раҳбари ва ишлаб чиқариш таълим усталари иштирокида 2018 йил 11 апрел куни институт ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида ташриф буюришди. Экскурсия давомида Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи “Электроэнергетика” йўналиши битирувчилари “Электротехнологиялар ва электр жихозларидан фойдаланиш”, “Электротехника ва мехатроника”, “Технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедраларига тегишли лаборатория қурилмалари билан танишдилар. Кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари билан институт ички тартиб қоидалари ва талабалар учун яратилган имкониятлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишдилар.

